

Аҳолини рўйхатга олиш тадбири қайси меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатга асосан ўтказилади?



Аҳолини рўйхатга олиш тадбири қайси меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатга асосан ўтказилади?

Шу вақтгача Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида қонун қабул қилинмаган. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5655-сон Фармонида алоҳида банд сифатида Ўзбекистон Республикасининг **“Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”**ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

Мазкур қонун лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутди, аҳолини рўйхатга олишни ўтказишнинг мақсади, тартиби, даври ва муддатларини аниқлаш; замонавий технология ва услубиётлар асосида аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш ва ташкил этиш; аҳолини рўйхатга олишни ўтказишда иштирок этувчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини белгилаш; жисмоний ва юридик шахсларни ушбу жараёнларга қатнашиши учун аниқ механизмлар ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш манбаларини белгилаш; якуний натижаларни амалга ошириш учун ташкилий-амалий, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни келтириб ўтиш инobatга олиниши кўрсатиб ўтилган.

Қизириқ тумани Статистика болими бошлиги Ф. Ходжанов